

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ЖУМАЕВА МАЛОҲАТ МУСТАҚИМОВНА

**ХОЛЕЦИСТИК КАСАЛЛИГИДА ЎТ ПУФАГИ ДЕВОРЛАРИНИНГ
ГИСТОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жұмаева Малоҳат Мустакимовна

Холецистит касаллигіда үт пуфаги деворларининг гистокимёвий
ўзгаришини ўрганиш..... 3

Жұмаева Малоҳат Мустакимовна

Изучение гистохимических изменений стенок желчного пузыря при
холецистите..... 25

Jumaeva Malokhat Mustakhimovna

Study of histochemical changes of gallbladder walls in cholecystitis..... 47

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ЖУМАЕВА МАЛОҲАТ МУСТАҚИМОВНА

**ХОЛЕЦИСТИТ КАСАЛЛИГИДА ЎТ ПУФАГИ ДЕВОРЛАРИНИНГ
ГИСТОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Tib3984 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Хасанова Дилноза Ахроровна
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Адилбекова Дилором Бахтиёровна
тиббиёт фанлари доктори

Перм давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси).

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Фиждувон қўчаси, 23 уй. e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Фиждувон қўчаси, 23 уй).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Қ.Дўстова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Р.Облоқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Ўт пуфагининг яллиғланиш касалликлари холециститнинг асорати сифатида дунёдаги энг кенг тарқалган касалликлар бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатларда ўткир холецистит билан касалланганлар сони «...статистик маълумотларга кўра, дунё ахолисининг 10-25% ида ўт-тош касаллиги учрайди ва бу касаллик юрак-қон томир касаллигидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди...»¹. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, яшаш шароитининг ўзгариши, ижтимоий қатламлараро овқатланиш маданиятидаги фарқликлар, психоэмоционал зўриқишлиарнинг ортиши, жисмоний ҳаракатларнинг чекланиши ҳамда ўт пуфаги касалликларини аниқлаш технологияларининг ривожланиши касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда.

Сўнгги ўн йил ичida нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам ўт йўллари тизими касалликларининг тарқалиши барқарор ўсиб бормоқда. Ўт йўлларининг патологияси ўт пуфаги ва ўт йўлларининг функционал ва органик касалликларининг кенг тарқалганилиги сабабли замонавий гастроэнтерологияда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Умумий тиббий шифохоналарда ўт пуфаги касалликлари беморларнинг 5-10 фоизида қайд этилган. Ҳар йили бир миллионга яқин одам холецистит ташхиси билан касалхонага ётқизилади. Йшга яроқли ёшдаги аҳоли ўртасида ўт йўллари касалликлари кенг тарқалиб, улардан келиб чиқадиган юқори даражадаги асоратлар ва даволашга кетадиган улкан маблағлар туфайли бу касалликлар нафақат тиббий, балки муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммога айланмоқда. Ҳозирги вактда ультратовушли тадқиқот усулининг амалиётга кенг жорий этилиши туфайли ўт пуфаги ва перивезикал бўшлиқ деворидаги яллиғланиш ўзгаришлар даражасини обектив баҳолаш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Ультратовуш техникасини қўллаш клиник белгиларнинг оғирлигидан қатъий назар, ўткир холециститга шубҳа қилинган барча беморларда амалга оширилиши керак. Амалий жарроҳликда ўткир тошли холециститнинг ультратовуш диагностикаси масалаларини ўрганиш, унинг ҳар бир шаклининг эхосемиотикасини ишлаб чиқиш ва йирингли асоратлар мавжудлигини аниқлаш зарурати туғилади.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хусусан, ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликлари ва унинг асоратларини камайтириш, шунингдек, касалликнинг даволаш усууларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифадан келиб чиққан

¹ Натрошили а.г., Шулутко а.м., Байчоров э.х. и др. дооперационная диагностика холедохолитиаза: возможность и перспективы //мед. вестник северного кавказа. -2021. -т.16. -№1. – с.1-5.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

ҳолда ўт пуфагининг патологияси бўлган bemорларда қайд этилган ўт пуфаги деворининг морфологик ўзгаришларини ўз вақтида ташҳислаш ва даволаш ҳозирги вақтда долзарб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонлари тиббиёт соҳасидаги изчил ислоҳатларнинг асосий йўналишларини белгилаб берган. Юқорида келтирилган Президент фармон ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳасига оид устивор вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот мавзусининг Республикадаги устувор тадқиқот йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир қатор муаллифларнинг (Бабажанов А.С., 2020; Хаджибаев А.М., 2019; Переходов С.Н. 2021) фикрига кўра, холецистит ўт пуфагининг энг кенг тарқалган қасалликларидан бири бўлиб, ўт пуфаги деворларининг яллиғланиши ўт пуфагида тошлар пайдо бўлиши билан тавсифланади. Замонавий эпидемиологик маълумотларга кўра, холецистит сайёрамизнинг катталар аҳолисининг 17 дан 20 фоизигача, асосан аёлларга кузатилади. Холецистит фонида кузатилган ўт пуфаги деворларининг яллиғланиши ва деструктив ўзгаришларга олиб келиши ушбу органнинг нормал фаолиятининг аста-секин йўқолишига ва овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилишига олиб келади (Бабажанов А.С., 2020; Магрупов Б.А., 2020; Федерова М.Г. 2022).

Ўт пуфагидаги морфологик ўзгаришлар ва клиник кўриниш ўртасидаги боғлиқлик кўп ўн йиллар давомида бутун дунё бўйлаб тадқиқотчиларни қизиқтироқда. Ультратовуш диагностикасининг пайдо бўлиши ўт пуфагида тош борлиги клиник белгилар билан бирга келмайдиган bemорларнинг бутун гуруҳини аниқлашга имкон берди. Мавжуд адабиётларда холециститнинг турли шаклларида ўт пуфаги деворидаги ўзгаришлар морфологияси бўйича маълумотлар етарли даражада тақдим этилмаган (Вервекина Т.А., 2023; Коваленко А.А., 2023; Ashika Jain ва бошқалар 2017).

Ҳозирги замонда холецистит қорин бўшлиғидаги энг кенг тарқалган ўткир жарроҳлик қасалликларидан бири сифатида танилган. Охирги ўн йилликда, айниқса ёши улуғ ва кекса bemорлар орасида, бу қасалликка чалингандарнинг сони кескин ошган. Шу боис, айниқса қасалликнинг яширин шаклларини ўз вақтида аниқлаш учун ишончли диагностика усулларини ишлаб чиқиши замонавий тиббиёт учун жуда муҳимдир (Давлатов С.С., 2017; Курбаниязов З.Б., 2022; Золотухин В.М., 2021).

Сонографик ва гистокимёвий тадқиқот усуллари холецистит касаллиги ва унинг асоратлари диагностикаси, холециститнинг турли шаклларида унинг табиатини ўрганиш учун чуқурроқ изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ - 05.2024.PhD195 – сонли «COVID - 19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси ахолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиши» (2022-2026) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади холециститнинг турли шакллари билан оғриган bemорларда ўт пуфаги деворларининг морфологик ва гистокимёвий ўзгаришларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соғлом одамларда ёшга нисбатан ўт пуфагининг ультратовуш анатомиясини ўрганиш;

холецистит билан оғриган bemорларда ўт пуфаги ультратовуш текширувида унинг деворидаги ўзгаришларини баҳолаш;

холециститнинг турли шаклларида ўт пуфаги деворларининг морфологик ҳамда гистокимёвий ўзгаришларини қиёсий таҳлил қилиш;

ўт пуфагидаги патологик ўзгаришларни ультратовуш анатомик, морфологик ва гистокимёвий ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2022-2023-йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) Бухоро филиали шошилинч хирургия бўлимида ўткир ва сурункали тошли холецистит билан оғриган 229 нафар bemор ва 79 нафар соғлом инсонлар ўт пуфаги ультратовуш текширув натижалари ўрганилган. Улардан ўт тош касаллиги билан оғриган bemорлар 180 нафар ва ўткир тошсиз холецистит билан оғриган bemорлар эса 49 нафарни ташкил этган. Ўт тош касаллиги билан оғриган 180 нафар bemорда жарроҳлик амалиёти ўтказилган ва холецистэктомия қилингандан кейин олинган ўт пуфаклари Бухоро вилоят патанатомия бюросида ва Бухоро давлат тиббиёт институти симуляция марказининг лабораториясида гистокимёвий усул билан текширилиб, қиёсий жадвалларда изоҳланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўт пуфаги ультратовуш текшируви натижалари ва холецистэктомия қилингандан сўнг олинган гистологик материаллари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ультратовуш текшируви, гистологик, гистокимёвий ҳамда статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидағилардан иборат:

холецистит касаллигига ўт пуфаги деворидаги морфологик ва гистокимёвий ўзгаришлари натижасидаги патологик ҳолат инобатга олиниши даволаш натижаларини яхшилашга қўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтириб, даволаш жараёнини тезлаштирган;

холецистит касаллигига ўт пуфаги деворлари гистокимёвий усул билан ўрганилганган ва ўт пуфаги деворидаги мушак ва ҳужайраларнинг ўзгариши турли асоратларга олиб келиши исботланган;

холецистит билан оғриган беморларда лапароскопик холецистэктомиядан сўнг, ўт пуфагининг микроскопик текшируви турли хил бўяш усуллари (Ван Гизон, Шифф ва Альзиан кўки) ёрдамида ўт пуфаги тўқималарида яллиғланиш жараёнлари, гипертрофия, фиброз билан боғлиқ турли ўзгаришлар аниқланган;

илк бор ультратовуш текшируви, морфологик ва гистокимёвий усулларда ўт пуфагидаги ўзгаришлар ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаларини ўрганишда, яллиғланиш жараёнлари, фиброз ва аутоиммун яллиғланиш каби патоморфологияларни таъсирини очиб берган ва ўт пуфаги тўқималарида яллиғланиш жараёнларнинг даражаси ва характерини аниқлаш учун фойдали эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат;

ушбу ишда ўт пуфаги деворида яллиғланиш ривожланиши ҳақида олинган маълумотлар асосида холециститнинг шаклланишида органнинг морфогенези ва тўқималараро гистокимёвий муносабатларнинг шаклланиши ҳақидаги замонавий ғояларни чуқурлаштиради. Илмий ва амалий жараёнларда асосий маълумотлар сифатида ўт пуфаги деворининг морфологик ва гистокимёвий тадқиқотлар маълумотларидан фойдаланиш мумкин бўлган;

холециститнинг морфологик белгиларига асосланиб, ўт пуфаги деворининг бириклирувчи тўқима билан заарланиши яллиғланишнинг оғирлигини ва ўт пуфаги қисқаришининг бузилишини баҳолашда патологоанатомларнинг кунлик амалиётида фойдаланиш тавсия этилган;

холециститнинг турли шаклларининг клиник белгилари ва дастлабки босқичларида асоратларни ривожланиш белгиларини ўрганиш холецистит касаллигининг мураккаб кечишини эрта ташхислашда ультратовуш текшируви имкониятларини ўрганишга имкон берган;

асоратланган холециститнинг диагностикасида ўт пуфагининг ультратовуш кўрсаткичларини баҳолаш ва ўт пуфаги деворидаги гистологик ўзгаришлар билан боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги рационал назарий ёндашув усуллари билан тасдиқланганлиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдириувчи клиник, диагностик, гистокимёвий ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли микдордаги беморлар текширилганлиги, келтирилган хulosалар асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўт пуфагининг ўткир ва сурункали яллиғланиши, жумладан, ўт пуфаги деворининг ўзига хос тузилиши, мушак қаватининг холецистит натижасида шикастланиши, мушаклар ораси бириклирувчи тўқимасида лимфоид инфильтрациянинг пайдо бўлиши, мушак толаларининг атрофияланиши, ўт қопи шиллиқ қавати эпителийсининг гиперплазияси ҳисобига шиллиқ парда юзасида шишли

ҳосила пайдо бўлиши, ўт йўлларида холелитиазнинг юзага келиши ва давосини режалаштиришда фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ультратовуш текшируvida ўт-тош касаллигини ташхисини яхшилаш, ўт пуфаги девори патологиясини аниқлаш ва холецистэктомиядан сўнг ўт пуфагининг микроскопик текшируви турли хил бўяш усуллари (Ван Гизон, Шифф ва Альциан кўки) ёрдамида ўт пуфаги деворидаги тўқималарида яллиғланиш жараёнлари, гипертрофия, фиброз билан боғлик турли ўзгаришларни аниқлаш каби чора-тадбирларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши оғир асоратларни, жарроҳлик амалиётини сонини камайишини таъминлаган, ушбу касалликни даволашда, профилактикасида самарали ва қулай усулларидан фойдаланиш имконини бергани билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича ягона хulosaga 2024 йил 13 нообрдаги 08/59 – сон хulosасига кўра:

Биринчи илмий янгилик: холецистит касаллигига ўт пуфаги деворидаги морфологик ва гистокимёвий ўзгаришлари натижасидаги патологик ҳолат инобатга олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Бухоро филиали бўйича буйруқ (26.09.2024 й.; №197-сон) ҳамда Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (24.09.2024 й.; №140 I/CH-сонли) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* холецистит касаллигига ўт пуфаги деворидаги морфологик ва гистокимёвий ўзгаришлари натижасидаги патологик ҳолат инобатга олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштирган бўлиб, бу ўз навбатида тадқиқотнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш имконини яратган. *Иқтисодий самарадорлиги:* холециститнинг турли шакллари билан оғриган bemorlarда ўт пуфагидаги ўзгаришларни оддий ва самарали текширув усули бўлган ультратовуш оркали аниқлаш 1 нафар bemor ҳисобига 184000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. *Хулоса:* ўт пуфаги патологиясини эрта ташхислаш натижасида 1 нафар bemor ҳисобига бюджет маблағларини 184000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 345000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик: холецистит касаллигига ўт пуфаги деворлари гистокимёвий усул билан ўрганилганган ва ўт пуфаги деворидаги мушак ва ҳужайраларнинг ўзгариши турли асоратларга олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* холецистит касаллигига ўт пуфаги деворидаги мушак ва ҳужайраларнинг ўзгариши турли асоратларга олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Бухоро филиали бўйича буйруқ (26.09.2024 й.; №197-сон) ҳамда Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (24.09.2024 й.; №140 I/CH-сонли) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* холецистит касаллигига ўт пуфаги деворлари гистокимёвий усул билан ўрганилганган ва ўт пуфаги

деворидаги мушак ва хужайраларнинг ўзгариши турли асоратларга олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти*: холецистит касаллигига ўт пуфаги деворидаги мушак ва хужайраларнинг ўзгариши турли асоратларга олиб келиши исботланганлигидан фойдаланиш ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш имкониятини беради. *Иқтисодий самарадорлиги*: холецистит касаллигига ўт пуфаги деворидаги мушак ва хужайраларнинг ўзгариши турли асоратларга олиб келиши исботланганлигидан фойдаланиш: bemorning шифохонада қолиш муддатини қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 184000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 345000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса*: холецистит касаллигига ўт пуфаги деворидаги мушак ва хужайраларнинг ўзгариши турли асоратларга олиб келиши исботланганлигидан фойдаланиш, даволаниш самарасини оширишга, даволаш натижаларига сезиларли изжобий таъсири кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: холецистит билан оғриган bemorlarда laparoskopik холецистэктомиядан сўнг, ўт пуфагининг микроскопик текшируви turli xil bўyash usullari (Van Gizon, Schiff va Alzian kўki) ёрдамида ўт пуфаги tўkimalariда яlliqlanish жараёнлари, гипертрофия, фиброз билан boғliq turli ўзгаришлар aniklanGAN, bu ўз nавбатida bemorlarning barchasiда kасалликнинг асоратларini олдини oлишда, даволаш натижаларini яхшилашга kўmaklaшиб, натижада kузatiliши mумkin bўlган асоратлар, ўlimni камайтириб, шифо жараёнини tезлаштиради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилинishi*: олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Бухоро filiali bўyicha bуйрук (26.09.2024 й.; №197-сон) ҳамда Қашқадарё viloyat kўp tarmoқli tibbiёт markazi bўyicha bуйрук (24.09.2024 й.; №140 I/CH-сонли) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги*: холецистит билан оғриган bemorlarда laparoskopik холесистэктомиядан сўнг, ўт пуфагининг микроскопик текшируви turli xil bўyash usullari (Van Gizon, Schiff va Alzian kўki) ёрдамида ўт пуфаги tўkimalariда яlliqlanish жараёнлари, гипертрофия, фиброз билан boғliq turli ўзгаришлар aniklanGAN bўlib, bu ўз nавбатida bemorlarning barchasiда kасалликнинг асоратларini олдини oлишда fойдаланиш imkon berib, bemorlarни tashxislash ва даволаш sifatinini яхшилади. *Иқтисодий самарадорлиги*: холецистит билан оғриган bemorlarда laparoskopik холецистэктомиядан сўнг, ўт пуфагининг микроскопик текшируви turli xil bўyash usullari (Van Gizon, Schiff va Alzian kўki) ёрдамида ўт пуфаги tўkimalariда яlliqlanish жараёнлари, гипертрофия, фиброз билан boғliq turli ўзгаришлар aniklanGAN, bu ўз nавбатida bemorlarning barchasiда kасалликнинг асоратларini олдини oлишда inobatga olinib даволашning замонавий технологияларidan fойдаланиш, kасаллик асоратларini олдини oлишга ҳамда bemorlarни sarflanadigan xajratlarini 184000 сўмга kamaytireshga эришилди. *Хулоса*: холецистит билан оғриган bemorlarda laparoskopik холецистэктомиядан сўнг, ўт пуфагининг микроскопик

текшируви турли хил бўяш усуллари (Ван Гизон, Шифф ва Алциан қўки) ёрдамида ўт пуфаги тўқималарида яллиғланиш жараёнлари, гипертрофия, фиброз билан боғлиқ турли ўзгаришлар аниқланганлиги сабабли, даволашда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 184000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 345000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ультратовуш текшируви, морфологик ва гистокимёвий усулларда ўт пуфагидаги ўзгаришлар ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаларини ўрганишда, яллиғланиш жараёнлари, фиброз ва аутоиммун яллиғланиш каби патоморфологияларни таъсирини очиб берган ва ўт пуфаги тўқималаридағи ўзгаришларнинг даражаси ва характерини аниқлаш учун фойдали эканлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* илк бор ультратовуш текшируви, морфологик ва гистокимёвий усулларда ўт пуфагидаги ўзгаришлар ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаларини ўрганишда, яллиғланиш жараёнлари, фиброз ва аутоиммун яллиғланиш каби патоморфологияларни таъсирини очиб берган ва ўт пуфаги тўқималаридағи ўзгаришларнинг даражаси ва характерини аниқлаш учун фойдали эканлиги исботланган, бу ўз навбатида асоратларни ривожланиш эҳтимолини башорат қилиш имконини берган бўлиб, шифо жараёнини тезлаштириб асоратлар ва ўлимни камайтирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Бухоро филиали бўйича буйруқ (26.09.2024 й.; №197-сон) ҳамда Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (24.09.2024 й.; №140 I/CH-сонли) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* илк бор ультратовуш текшируви, морфологик ва гистокимёвий усулларда ўт пуфагидаги ўзгаришлар ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаларини ўрганишда, яллиғланиш жараёнлари, фиброз ва аутоиммун яллиғланиш каби патоморфологияларни таъсирини очиб берган ва ўт пуфаги тўқималаридағи ўзгаришларнинг даражаси ва характерини аниқлаш учун фойдали эканлиги исботланган, бу ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* илк бор ультратовуш текшируви, морфологик ва гистокимёвий усулларда ўт пуфагидаги ўзгаришлар ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаларини ўрганишда, яллиғланиш жараёнлари, фиброз ва аутоиммун яллиғланиш каби патоморфологияларни таъсирини очиб берган ва ўт пуфаги тўқималаридағи ўзгаришларнинг даражаси ва характерини аниқлаш учун фойдали эканлиги исботланган бўлиб, беморларда кузатиладиган асоратларни ривожланиш эҳтимолини башорат қилиш имконини бериши ҳисобига беморнинг шифохонада даволаниш муддатини қисқартириб, 1 нафар bemor ҳисобига бюджет маблағларини 184000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 345000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* илк бор ультратовуш текшируви, морфологик ва гистокимёвий усулларда ўт пуфагидаги ўзгаришлар ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаларини ўрганишда, яллиғланиш жараёнлари, фиброз ва аутоиммун яллиғланиш каби патоморфологияларни таъсирини очиб берган ва ўт пуфаги тўқималаридағи ўзгаришларнинг даражаси ва характерини аниқлаш учун фойдали эканлиги исботланганлигини амалиётга жорий қилиниши 1 нафар bemor ҳисобига бюджет маблағларини 184000 сўмга ва

бюджетдан ташқари маблағларни 345000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқот обьекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгиликлари ва амалий натижалари ҳамда олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, илмий иш натижаларининг нашр қилинганини ҳақида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Ўт пуфаги яллиғланиши ва ташхисоти» деб номланган биринчи бобида сўнгти йилларда ушбу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган бўлиб, унда муаммонинг ҳозирги ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинади. Ушбу боб уч параграфдан иборат бўлиб, улар адабиётлардан олинган маълумотларни умумлаштиради ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуслари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот обьекти, предметлари ҳамда унда қўлланиладиган статистик усуслар келтирилган.

Тадқиқотда 229 нафар беморнинг касаллик тарихи маълумотлари ўрганилган бўлиб, улардан 180 нафарида ўткир тошли холецистит аниқланган ва 2022-2023-йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (РШТЁИМ БФ) шошилинч хирургия бўлимига ётқизилган. 49 нафар беморда эса ўткир тошсиз холецистит аниқланган бўлиб, амбулатор кўрик ўтказилган. Беморларнинг барчаси ультратовуш текширувидан ўтказилган бўлиб, ўт тош касаллиги билан оғриган 180 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилган ва холецистэктомиядан сўнг олинган ўт пуфаклари Бухоро вилоят патанатомия бюросида ва Бухоро давлат тиббиёт институти симуляция марказининг лабораториясида гистокимёвий текширувда текширилиб, қиёсий жадвалларда изоҳланган. Соғлом контингентда ультратовуш текшируви 79 кишида ҳам ўтказилди, шулардан 24 нафарини эркаклар (30,3%) ва 55 (69,7%) нафарини аёллар ташкил қилди. Текширув натижаларига кўра, 13

нафарида ўт-тош касаллиги, 43 нафарида тошсиз холецистит, 2та холатда полип ва 21 нафар беморда эса ўзгаришлар аниқланмаган.

Тадқиқот давомида қуидагилар аниқланган: ўт пуфаги ва ўт йўллари ультратовуш текширувидан ўтказилган ва текшириш давомида беморларда холециститлар аниқланган.



1-расм. Соғлом контингентда ультратовуш текшируви натижалари N=79

1-расмдан кўриниб турибдики, 79 нафар соғлом одамларда 13 нафарида (9 нафар аёл ва 4 нафар эркак) ўт-тош касаллиги, 43 нафарида (25 нафар аёл ва 18 нафар эркак) холецистит, 2та холатда полип (аёллар) ва 21 нафар (12 нафар аёл ва 9 нафар эркак) беморда эса ўзгаришлар аниқланмади.



2-расм. Беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши


2-расмдан кўриниб турибдики, 229 нафар bemorning 66.8%ини яъни 153 тасини аёллар ва 33.2% ини яъни 76 тасини эса эркаклар ташкил этган.

1-жадвал

Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши

Ёши	Жинси				Жами	
	Эркак		Аёл		Абс.сонда %	
	Абс.	%	Абс.	%		
18-30	3	1,31	13	5,67	16	7
31-40	10	4,36	23	1,03	33	14,4
41-50	16	6,98	23	10,04	39	17
51-60	14	6,11	36	15,7	50	21,8
61-70	21	9,17	39	17,0	60	26,2
71-80	4	1,74	15	6,55	19	8,3
81дан катталар	8	3,49	4	1,74	12	5,2
Жами	76	33,2	153	66,8	229	100

1-жадвалдан күриниб турибдики, 229 нафар (100%) ўткир холецистит билан оғриган bemорлардан 76 нафарини эркак, 153 нафарини аёллар ташкил этган. Шулардан 18-30 ёш орасидаги bemорлар 16 нафар бўлиб 7% ни, 31-40 ёш орасидаги bemорлар 33 нафар бўлиб 14,4% ни, 41-50 ёш орасидаги bemорлар 39 нафар бўлиб 17% ни, 51-60 ёш орасидаги bemорлар 50 нафар бўлиб 21,8% ни, 61-70 ёш орасидаги bemорлар 60 нафар бўлиб 26,2% ни, 71-80 ёш орасидаги bemорлар 19 нафар бўлиб 8,3% ни, 81дан катта ёш орасидаги bemорлар 12 нафар бўлиб, 5,2% ни ташкил этган.



3-расм. Холецистит билан бирга келадиган ёндош касалликлар частотаси

Таҳлиллир шуны күрсатдикى, ўткир ва сурункали тошли холецистит билан касалланган 180 нафар беморлarda артериал гипертензия 61 нафар беморда (34%), қандли диабет 11 нафар беморда (6%), юрак-қон томир касалликлари 52 нафар беморда (29%), семизлик 34 нафар беморда (19%), бошқа касалликлар и бор беморлардан эса 22 нафарида (12%) учради.

Диссертациянинг «Холециститнинг турли шакллари билан касалланган беморларнинг ўт қопи деворини морфологик ва гистокимёвий ўзгаришларини аниқлаш бўйича хусусий текшириш натижалари» деб номлагнан учинчи боби жами 180 та холецистит билан хасталанган беморларнинг ўт пуфаги материалларини ҳар томонлама ўрганиш натижасига бағишлиланган. 180 нафар холецистит билан хасталанган беморларнинг ўт қопи материалларини ўрганиш учун Ван-Гизон, альзиан кўки ва шик реакция усулларидан фойдаланилган. Уларнинг ҳар бирида ўт пуфаги деворидан тайёрланган гистологик материалларни ўрганиб, улардаги фиброз ўзгаришлар хамда склеротик ўзгаришлар мавжудлиги ва ажратиб олинган ҳолатларни гистокимёвий усулларда текширувдан ўтказилган.

Булардан ҳар бирини гистологик текширувдан ўтказилганда қўйидаги натижалар олинган:

Ван-Гизон бўйича бўялганда бириктирувчи тўқима ўт пуфагининг қанча қисмини эгаллаганини аниқладик. Ван-Гизон бўйича микропрепаратларни бўяшни ўт пуфагидаги қайтмас жараённи аниқлашда ва холецистининг охирги даврини ташхислашда қўллаш мумкин бўлган.

Альзиан кўки бўёғи ўт пуфагининг тузилиши ва функциясини ўрганишда муҳим рол ўйнаган. Альзиан кўки билан бўяшни аутоиммун табиатли яллиғланиш натижасида келиб чиқган тошли холециститни ташхислашда қўллаш мумкинлиги аниқланган.

Шифф бўёғини қўллашимиздан мақсад бириктирувчи тўқима таркибидаги коллаген зичлигини билиш бўлган. Бириктирувчи тўқималарнинг ШИК мусбат (Шифф) реакцияси бириктирувчи тўқимада протеин комплекслари (гликозаминогликан) мавжудлигини кўрсатган. Коллаген таркибидаги гликозаминогликанлар камлиги туфайли паст эластиклик беради ва бириктирувчи тўқима зичлиги юқори бўлган.

Сурункали флегмоноз ва гангреноз тошли холецистит билан оғриган беморда лапароскопик холецистэктомиядан сўнг ўт пуфагининг макроскопик ҳолати 4-расмда акс эттирилган.



4-расм. Сурункали гангреноз холецистит билан касалланган беморнинг лапароскопик холецистэктомиядан кейинги ўт пуфагининг макроскопик қўриниши. Ўт пуфагиниг узунлиги 14,9 см кенглиги – 9,9 см . Деворнинг қалинлиги 0,8 см ни ташкил этган

Үт пуфаги деворида фиброз белгилари билан сурункали, сустяллиғланиш жараёни турли даражадаги тұлақонлик ривожланган, бу үт пуфагининг қисқарыш ва концентрациялаш функцияларининг бузилишига олиб келадиган яллиғланиш жараёни үт пуфагининг бўйин қисмида (цервикал холецистит) локализация қилинганида, сафро чиқишининг қийинлашуви кузатилган, бу эса үт пуфаги эмпиемасининг ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган.



5-расм. Ўткир йириングли (флегмоноз) холецистит билан касалланган беморнинг лапароскопик холецистэктомиядан кейинги үт пуфагининг макроскопик кўриниши.


Ўт пуфагининг узунлиги 15,9 см кенглиги – 8,7 см . Деворининг қалинлиги 1,7 см ни ташкил этган

Ўткир йириングли холециститда қўпинча үт пуфагида тошлар мавжуд бўлганда ривожланган (5-расм). Ўт пуфаги катталашган, таранг, унинг сероз пардаси хиралашган, фибрин билан қопланган. Ўт пуфагининг бўшлиғи йириңг, сафро ва қон билан аралашган экссудатни ўз ичига олган. Ўткир йириングли холециститда яллиғланиш жараёни қўпинча флегмоноз холециститда кузатиладиган яллиғланиш шаклида юзага келган, бунда үт пуфагининг қалинлашган деворида некроз ва тўқималарнинг эриши жойлари топилган. Шиллик қават тиқилиб қолган, шишган, қон кетиши, яралар билан қопланган. Ўт пуфаги деворида қон қуйилиши билан яллиғланиш йириングли-геморрагик хусусиятга эга бўлган.

2-жадвал

Холецистэктомиядан кейин турли хил холециститларда үт пуфагининг морфометрик кўрсаткичлари($M \pm m$)

Холецистит тури	Ўт пуфагининг узунлиги (см)	Ўт пуфагининг кенглиги (см)	Ўт пуфаги деворининг қалинлиги (мм)
Сурункали флегмоноз	$10,3 \pm 1,7$	$7,9 \pm 0,7$	$5,0 \pm 0,6$
Сурункали гангреноз	$14,9 \pm 1,2$	$9,9 \pm 0,6$	$1,8 \pm 0,3$
Ўткир калькулез	$15,7 \pm 0,9$	$8,9 \pm 0,4$	$1,5 \pm 0,4$
Ўткир йириングли	$15,9 \pm 1,1$	$8,7 \pm 0,5$	$1,4 \pm 0,4$



6-расм. Ўткир йириングли холецистит билан касалланган беморнинг лапароскопик холецистэктомиядан кейинги ўт пуфагининг микроскопик қўриниши.
Гемотоксилин-эозин билан бўялган 10x20 катталаштирилган. 1- макрофаглардан таркиб топган инфильтратив жараён; 2-мушак қавати гипертрофияси; 3- ўт пуфаги шиллик қавати гипертрофияси


Лапароскопик холецистэктомиядан сўнг, ўткир йириングли холецистит билан оғриган бемор ўт пуфагида характерли микроскопик қўйидаги ўзгаришлар аниқланган (6-расм):

1. Макрофаглардан ташкил топган яллиғланиш жараёни ўт пуфагининг тўқималарида яллиғланиш мавжудлигини кўрсатган. Бу тананинг инфекцияга бўлган реакциясини кўрсатади, бу эса йириングли холециститнинг ривожланишига олиб келган;

2. Ўт пуфагининг мушак қаватининг гипертрофияси мушак хужайралари ҳажмининг ошиши ҳисобланган. Бу сурункали яллиғланишнинг натижаси ёки тананинг патологик жараёнларга компенсатор реакцияси ҳисобланган;


3. Ўт пуфаги шиллик қаватининг гипертрофияси шиллик қават қалинлигининг ошишини кўрсатган, бу яллиғланиш жараёнлари ёки бошқа патологик ҳолатларнинг узоқ вақт таъсиридан келиб чиқиши мумкин бўлган.

Ўткир йириングли холецистит билан оғриган беморда холецистэктомиядан сўнг ўт пуфагининг микроскопик расмидаги бу ўзгаришлар ушбу касалликка хос бўлиб, ташхис қўйиш ва кейинги даволаш тактикасини белгилашда асосий бўлиши мумкин бўлган.




7-расм. Ўткир тошли холецистит билан касалланган беморнинг лапароскопик холецистэктомиядан кейинги ўт пуфагининг микроскопик қўриниши.
Гемотоксилин-эозин билан бўялган 10x20 катталаштирилган. 1- ўт пуфаги шиллик қавати гипертрофияси; 2-мушак қавати гипертрофияси; 3- ўт пуфаги тўқималари орасида жигар тўқималари эктопияси; 4- ўт пуфаги безлари гиперплазияси

Үт пуфаги шиллиқ қавати: үт пуфаги шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар, масалан, яллиғланиш, ошқозон яраси ёки бошқа патологик жараёнлар микроскопик даражада кўриниши мумкин. Ушбу ўзгаришлар яллиғланиш жараёни ёки жарроҳлик аралашувининг натижаси бўлиши мумкин (7-расм). Кучли фиброз: биритиравчи тўқима қизил рангта бўялган кучли фибрознинг мавжудлиги үт пуфаги тўқималарида сезиларли ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатиши мумкин. Фибролизниш жараёни одатда турли жароҳатлар ёки яллиғланиш жараёнларига реакция ҳисобланган. Кон томир деворининг гипертрофияси: яллиғланиш ва организмнинг патологик жараёнга реакцияси оқибати бўлиши мумкин бўлган томир деворининг қалинлигининг ошиши ҳисобланган. Ёғ вакуолалари (ёғли дистрофия): үт пуфаги хужайраларида ёғ вакуолаларининг тўпланиши, бу метаболик бузилишдан далолат беради ва узоқ муддатли яллиғланиш жараёнининг оқибати ҳисобланган (8-расм).




8-расм. Ўткир калькулёз холецистит билан касалланган беморнинг лапароскопик холецистэктомиядан кейинги үт пуфагининг микроскопик кўриниши. Ван-Гизон бўйича бўялган 10x20 катталаштирилган. 1-ўт пуфаги шиллиқ қавати гипертрофияси; 2- Мушак толалари гипертрофияси шиш; 3-Кучли фибролизниш жараёни (қизил рангта бўялган биритиравчи тўқима); 4- кон томир девори гипертрофияси; 5- ёғли вакуолалар (ёғли дистрофия)




9-расм. Холецистэктомиядан сўнг, үт пуфагининг бўйин қисмидаги, турли хилдаги холециститларда микроциркулятор ўзанининг морфометрик параметрлари (мкм)

Тадқиқотдан маълум бўлишича (9-расм), холецистэктомиядан сўнг ўт пуфаги бўйинидаги микроциркулятор ўзаннинг морфометрик кўрсаткичлари холецистит турига боғлиқ. Флегмоноз холецистит билан холециститнинг бошқа турларига нисбатан артериолалар 1,2 баробар, капиллярлар 1,4 баробар ва венулалар диаметри 1,3 баробар ошиши кузатилган. Гангреноз холецистит ҳолатида морфометрик кўрсаткичларнинг ошиши ҳам қайд этилган, аммо улар флегмоноз холециститдаги каби аниқ эмас. Ўткир ва ўткир йирингли холецистит микротомирларнинг морфометрик кўрсаткичларининг ўртача кўрсаткичлари билан бирга келган (10-расм).



10-расм. Ўткир калькулёз холецистит билан касалланган bemornining лапароскопик холецистэктомиядан кейинги ўт пуфагининг микроскопик кўриниши. Альциан кўки бўйича бўялган 4x10 катталаштирилган. 1-ўт пуфаги шиллик қавати гипертрофияси ва “шиллик”нинг яний муциннинг кўк рангга бўялиши

Ўт пуфаги шиллик қавати бокалсимон хужайралари меъёрда, оз миқдорда шилликсимон суюқлик ишлаб чиқарган. Бу суюқликнинг асосий вазифази, ўт пуфаги шиллик қаватини ўт суюқлигидан ҳимоя қилиш ҳисобланган. Лекин яллиғланиш жараёнига ҳар қандай шиллик қаватнинг гиперсекрецияси билан ифодаланган (11-расм).



